

**Росуллоллоҳнинг изорлари, юришлари, соч бўяшда  
ишлатиладиган бош кийимлари, ўтиришлари,  
суянчиқлари ва бетобликда бошқага  
суянгаликлари ҳақидаги ҳадислар баёни.**

**باب ما جاء في صفة إزار رسول الله و مشيته و تقنعه و جلسته  
و تكأته و اتكائه صلى الله عليه وسلم**

[ Ўзбекча – Uzbeking – الإوزبكي ]

**Абу Ийсо Мухаммад ибн Ийсо ат-Термизий**

**Таржимон: Абдуллоҳ Шариф  
Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий**

2009 - 1430

islamhouse.com

باب ما جاء في صفة إزار رسول الله و مشيته و تقنعه و جلسته  
وتكأته و اتكأته صلى الله عليه وسلم

« باللغة الأوزبكية »

ترجمة: عبد الله شريف

مراجعة: شمس الدين درغاي

2009 - 1430

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

الحمد لله حمده ونستعينه ونتوب إليه ، ونعوذ بالله من شرور أنفسنا ومن سيئات أعمالنا ، من يهده الله فلا مضل له ومن يضلل فلا هادي له ، وأشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له وأشهد أن محمد عبده ورسوله صلى الله عليه وعلى آله وأصحابه ومن تبعهم بإحسان وسلم تسليما .  
 أما بعد :

**( 18 ) باب ما جاء في صفة إزار رسول الله وفيه ( 4 ) أحاديث**

**Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг изорлари ҳақида келган ҳадислар боби.**

119 – حدثنا أحمد بن منيع ثنا إسماعيل بن إبراهيم ثنا أيوب عن حميد بن هلال عن أبي بردة عن أبيه قال أخرجت إلينا عائشة رضي الله عنها كساء ملبدا وإزارا غليظا فقالت قبض روح رسول الله في هذين

Абу Бурдадан ривоят қилинишича, у киши айтадиларки: Оиша розияллоҳу анҳо бизга ямоқ солинган чопон ва дағал бир изорни олиб чиқиб, Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам мана шу икки кийимда жон берганлар - дедилар.

**Изоҳ:** Яъни бутун халойиқнинг афзали бўлган зот, дунёдан мана шундай ҳеч ким суймайдиган дағал кийимларда кўз юмган эдилар, гарчи Оллоҳ таоло у зотга катта бойлик берган бўлса-да, у зот ундан бир кунга етарини олиб, қолганини бева-бечора муслмонларга тарқатиб юборардилар.

120 – حدثنا محمود بن غيلان حدثنا أبو داود عن شعبة عن الأشعث بن سليم قال سمعت عمي تحدث عن عمها قال بينا أنا أمشي بالمدينة إذا إنسان خلفي يقول ارفع إزارك فإنه أتقى وأبقى فالتفت فإذا هو رسول الله فقلت يا رسول الله إنما هي بردة ملحاء قال أما لك في أسوة فنظرت فإذا إزاره إلى نصف ساقيه

Ашъас ибн Салимдан ривоят қилинади айтадилар: Аммам амакисидан ҳадис ривоят қилганини эшитганман, амакиси айтган экан: Бир куни мадинада юриб кета турсам, тўсатдан бировни орқамдан "изорингни кўтар! чунки у тақвога яқинроқ ва кийимнинг узок қолишига сабабдир" - деганини эшитдим, қарасам, у Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам эканлар, мен айтдимки: ё Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бу мулҳо чопон дедим -яъни оқ ва қора чизиқлари бор чопон дейишади шарҳловчи уламолар-. Шунда у зот мenden ўрناق олмайсанми?- дедилар, қарасам у зотнинг изорлари икки болдирларининг тенг ярмида экан.

121 – حدثنا سويد بن نصر ثنا عبد الله بن المبارك عن موسى بن عبيدة عن إياس بن سلمة بن الأكوع عن أبيه قال كان عثمان بن عفان يأتزر إلى أنصاف ساقيه وقال هكذا كانت إزرة صاحبي يعني النبي (صلى الله عليه وسلم)

Салама ибн ал-Акваъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади айтадиларки:

Усмон розияллоҳу анҳу икки болдирларининг ярмигача изор кияр эдилар ва соҳибимнинг -Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламни назарда тутиб-изорлари мана шундай бўлган эди, - деб эдилар.

122 – حدثنا قتيبة بن سعيد حدثنا أبو الأحوص عن أبي إسحاق عن مسلم بن نذير عن حذيفة بن اليمان قال أخذ رسول الله بعضلة ساقى أو ساقه فقال هذا موضع الإزار فإن أبيت فأسفل فإن أبيت فلا حق للإزار في الكعبين

Ҳузайфа ибн ал-Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади айтадиларки:

Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам икки ёки бир болдирларининг мушагини яъни мускилини ушлаб изор ўрни шу ердир, агар ҳоҳламасанг ундан пастроққа тушириб ол, бунисига ҳам кўнмасанг, (билиб қўйгинки) изорни ошиққа тегишига ҳаққи йўқ.- дедилар.

**Изоҳ:** Бу ҳадисларда Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг изорларини баёни ўтиши билан бир қаторда, у зотнинг умматларига ҳам қандай изор ўрашни таълим берганликлари ҳам зикр қилинмоқда, аввало бу изорнинг сифатида бир оз сўз юритамиз, изор шалвар шим ёки шу йўсинда тикилган кийим бўлмай, балки белдан остга ўраладиган матодир. Ўша даврларда изор ўраш кўп халқларнинг урф одатлари бўлиб, жумладан араб миллатининг ҳам асосий кийими ридо ва изор эди. Аммо ҳозирга келиб бу одат анчагина йўқолиб кетиб, баъзи иссиқ ўлкалардагина қолган. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам изорнинг остги қисми оёқнинг тизза билан тўпиғи ўртасида бўлиши кераклигини уқтирдилар. Уламоларнинг изоҳлари бўйича: Киши агар изорини болдирнинг ярмигача қилиб олмаса от, туя ва эшак каби миниладиган ҳайвонларга чиқиб олиши қийин бўлади. Айниқса уруш майдонларида жуда қаттиқ ҳалақит беради ва изорни мана шундай

болдирнинг ярмида қилиб кийиш энг афзали, агар кишига бу маъқул келмаса, озгина пастроққа тушириб олиши мумкин, аммо изорни тўпиқни ҳам устига тушириб олиб, уни беркитиб юришига рухсат бермадилар. Шунингдек шим, шалвар ва шу шаклдаги барча белдан остига кийиладиган кийимлар, тўпиқни қопламаслиги керак. Бошиқа ҳадисларда "тўпиқдан ости дўзахдадир", деб бунинг ёмонлигидан огоҳлатирувчи танбеҳлар ҳам келган. Усмон розияллоҳу анҳунинг сўзларига бир аҳамият қилинг! У зот Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг изорларига изорларини ўхшатиб олиб, "соҳибимнинг изорлари мана шундай эди", деб фахрланаяптилар. Чунки иймон неъматини у зотни ҳар нарсада Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга эргашидиган қилиб қўйган эди, ҳатто бу зот Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васалламни кўп изорда юрганларини кўрганликлари учун шалвар киймай, ҳаётдан изор ўраб ўтган эканлар. Фақат фитначиларнинг ҳунрезлиги билан уйларида ўлдирилган кунлари, ўлимларини сезган ўлароқ, ўша кунни изор остидан шалвар ҳам кийиб олиб, агар мени ўлдиришсалар, авратим очилиб қолмасин деган эканлар. Бу улуг инсонлар буйруқ ёки наҳий келишидан аввал Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васалламни ҳолларини кузатиб, ўзларини у зотнинг ҳайъатларига тушириб олардилар. Оллоҳ улардан рози бўлиб ва уларни рози қилсин. Бизлар қай аҳволдамиз? бизлар ҳам шу зотлар изидан бораяпмизми? ёки ўз ўзимизча изланмай, кимдандир буйруқ, қайтарувлар келишини кутаяпмизми? ўлим эса кутмайди, умрнинг қадрини билайлик. Баъзи кишилар Оллоҳ уларга ҳидоят берсин тўпиқларини асло очилари келмайди, қизиқ тўпиқни беркитиш аёллар сифати эдику! аёллар эса мутлоқ беркитмайдилар, тескари дунё. Бемани мода чизиб берган чизиқлардан сира чиққилари келмайди. Манашу мода бўлар экан дейилса, бўлмасдан туриб тадбиқ қиладиган, раббиси эса жаҳаннам ўти ила қўрқитса ҳам унинг амрига парво қилмаганлар, не юз билан унинг даргоҳига боришини ўйласин! Оллоҳ таоло барчамизни нафс қуллигидан озод этсин!

## (19) باب ما جاء في مشي رسول الله وفيه (3) أحاديث

**Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг юришлари ҳақида ривоят қилинган ҳадислар боби.**

123 – حدثنا قتيبة بن سعيد حدثنا ابن لهيعة عن أبي يونس عن أبي هريرة قال ما رأيت شيئا أحسن من رسول الله كأن الشمس تجري في وجهه وما رأيت أحدا أسرع في مشيته من رسول الله كأنما الأرض تطوى له إنا لنجهد أنفسنا وإنه لغير مكترث

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади айтадилар: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан кўра чиройлироқ бирор зотни кўрмаганман, гўё қуёш у зотнинг юзларида тургандек бўларди, у зотдан тезроқ юрадиган кишини

ҳам кўрмаганман, худди ер у киши учун яқинлашаётгандек бўлар эди, биз қийналиб юрар эдик, у зот эса ҳеч шошилмасдан, машаққат чекмай юрардилар.

**Изоҳ:** Яъни Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам манушундай чаққон, бақувват баркамол инсон эдилар.

124 – حدثنا علي بن حجر وغير واحد قالوا ثنا عيسى بن يونس عن عمر بن عبد الله مولى غفرة ثني إبراهيم بن محمد من ولد علي بن أبي طالب قال كان علي إذا وصف النبي قال كان إذا مشي تقلع كأنما ينحط من صيب

Али ибн аби-Толибдан ривоят қилинади: Али агар Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламни сифатлайдиган бўлсалар айтар эканлар: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам агар юрсалар, гўё тепалиқдан тушиб келаётгандек, оёқларини ердан енгил узар эдилар.

125 – حدثنا سفيان بن وكيع قال حدثنا أبي عن المسعودي عن عثمان بن مسلم بن هرمز عن نافع بن جبير بن مطعم عن علي بن أبي طالب كرم الله وجهه قال كان رسول الله إذا مشي تكفأ تكفؤاً كأنما ينحط من صيب

Али розияллоҳу анхудан ривоят қилиниб айтадиларки: Агар Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам юрсалар худди тепа қиялиқдан тушиб келаётгандек, олдинга мойил бўлиб юрардилар.

## 20) باب ما جاء في تقنع رسول الله وفيه حديث واحد

**Росуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бошларига соч бўяшда ишлатиладиган бош кийимлари ҳақидаги боб.**

126 – حدثنا يوسف بن عيسى حدثنا وكيع حدثنا الربيع بن صبيح عن يزيد بن أبان عن أنس بن مالك قال كان رسول الله يكثر القناع كأن ثوبه ثوب زيات

Анас ибн Молиқдан ривоят қилинади айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бошни ёғлаганда, бошга киядиган бош кийимларини жуда ҳам кўп ишлатар эдиларки, хатто у ёғчининг кийимига ўхшаб қолган эди.

**Изоҳ:** Ёғчидан мурод шарҳловчи уламолар айтишларига қараганда ёғ сотувчи, ёки ёғ ишлаб чиқариш билан шугулланадиган киши экан.

## 21) باب ما جاء في جلسة رسول الله وفيه (3) أحاديث

## Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ўтиришларини сифатлайдиган ҳадислар ҳақидаги боб.

127 – حدثنا عبد بن حميد أنبأنا عفان بن مسلم أنا عبد الله بن حسان عن جدتيه عن قبلة بنت مخزومة أنها رأت رسول الله في المسجد وهو قاعد القرفصاء قالت فلما رأيت رسول الله المنتخشح في الجلسة أرعدت من الفرق

Қайла бинту Махрамадан ривоят қилинади: У аёл Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни масжидда қурфуса ҳолда ўлтирганларини кўрган эканлар, яъни киши думбасини ерга қўйиб, икки тиззасини кўтариб, бир бирига яқин қилган ҳолда, уни икки қўли билан, ёки арқон билан бойлаб олиб ўтиришидир. У аёл мен у зотни ҳокисор бўлиб, Оллоҳдан кўрқиб ўлтирганларини кўрган чоғимда, кўрқувдан аъзойи баданим титраб кетди - дейдилар .

128 – حدثنا سعيد بن عبد الرحمن المخزومي وغير واحد قالوا حدثنا سفيان عن الزهري عن عباد بن تميم عن عمه أنه رأى النبي مستلقيا في المسجد واضعا إحدى رجليه على الأخرى

Аббод ибн Тамим амакиларидан ривоят қиладилар: Амакилари Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламни масжидда бир оёқларини иккинчи оёқлари устига қўйиб чалқанча ётганларини кўрган эканлар.

129 – حدثنا سلمة بن شبيب أنبأنا عبد الله بن إبراهيم المدني أنا إسحاق بن محمد الأنصاري عن ربيع بن عبد الرحمن بن أبي سعيد عن أبيه عن جده أبي سعيد الخدري قال كان رسول الله إذا جلس في المسجد احتبى بيدي

Абу Саид ал-Худрийдан ривоят қилинади айтадиларки: Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам агар масжидда ўлтирсалар, икки қўллари билан ихтибо қилиб ўлтирардилар.

**Изоҳ:** Бу ўтириш ҳам қурфуса ўтиришини айнан ўзи бўлиб, киши икки тиззасини кўтариб сонини қорнига ёпиштириб тиззасини ип каби нарса билан белидан ўтказиб боғлаб олади, ёки қўли билан ушлаб ўлтиради.

## 24 ( باب ما جاء في تكأة رسول الله وفيه (5) أحاديث

### Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суянчиқлари ҳақидаги боб.

130 – حدثنا عباس بن محمد الدوري البغدادي حدثنا إسحاق بن منصور عن إسرائيل عن سمالك بن حرب عن جابر بن سمرة قال رأيت رسول الله متكئا على وسادة على يساره

Жобир ибн Самурадан ривоят қилинади: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни чап тарафлари билан болишга таяниб турган ҳолларида кўрдим.

131 – حدثنا حميد بن مسعدة حدثنا بشر بن المفضل حدثنا الجريري عن عبد الرحمن بن أبي بكره عن أبيه قال قال رسول الله  
ألا أحدثكم بأكبر الكبائر قالوا بلى يا رسول الله قال الإشراف بالله وعقوق الوالدين قال وجلس رسول الله وكان متكئا قال  
وشهادة الزور أو قول الزور قال فما زال رسول الله يقولها حتى قلنا ليته سكت

Абдуллаҳмон ибн аби Бақра оталаридан ривоят қиладилар: Оталари айтадилар: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам энг катта гуноҳлар ҳақида сизларга сўзлаб берайми? - деган эдилар. Саҳобалар ҳа! албатта айтақолинг! дейишди, шунда у зот оллоҳга ширк келтириш ва ота онага оқ бўлиш. Ровий айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ёнбошлаб ётган эдилар, ўлтириб олдиларда, огоҳ бўлинглар! ёлғон гувоҳлик бериш дедилар, ёки ёлғон сўзлаш дедилар деб ровий шак қиладилар, сўнг шу сўзни такрорлайвердилар, ҳатто биз бу гапдан тўхтасалар эди деб қолдик.

**Изоҳ:** *Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ Имом Бухорийнинг “саҳиҳ”ларини шарҳида шу ҳадисга келганларида айтадиларки: Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёлғон шаҳодат ҳақида сўзлаб, сўнг ўлтириб олишлари, бу гуноҳнинг жуда катталиги ва одамлар орасида кенг тарқалишини сезиб, ундан шундай қаттиқ қайтардилар. Ширк гуноҳи бундан катта бўлсада одамлар ундан қайтишлари мумкин, чунки ширкнинг зарари уни қилган кишига, унинг ортидан ҳеч қандай дунёвий манфаат бўлмаслиги мумкин. Аммо ёлғон шаҳодат беришда одамлар учун молиявий манфаатлар бўлиши, ёки ҳасад гина-кудуратлар туфайли, нафсларни қондириб олиш каби исқирт мақсадлар бўлиши мумкин. Шунинг учун Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам бу гуноҳдан такрор-такрор қайтардилар. Саҳобалар қошки эди шу сўздан тўхтасалар дейишлари улар у зотга шафқат қилиб, у кишини безовта қиладиган нарсани раво кўргилари келмасди. Албатта бу уларнинг Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга қилган олийжаноб одоб ва мислсиз ахлоқларидандир.*

132 – حدثنا قتيبة بن سعيد ثنا شريك عن علي بن الأقرم عن أبي جحيفة قال قال رسول الله أما أنا فلا آكل متكئا

Абу Жухайфадан ривоят қилинади айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам "мен эса таяниб овқатланмайман" - дедилар.

133 – حدثنا محمد بن بشار حدثنا عبد الرحمن بن مهدي حدثنا سفيان عن علي بن الأقرم قال سمعت أبا جحيفة يقول قال رسول الله لا آكل متكئا

Абу Жухайфадан ривоят қилинади айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам "мен таяниб овқатланмайман" - деганлар.



**Изоҳ:** Яъни мусулмон киши шу таълимот бўйича, овқатланган вақтда қўлини ерга ёки столга оғирлигини қўйиб таяниши мумкин эмас .

134 – حدثنا سفيان بن عيسى ثنا وكيع ثنا إسرائيل عن سماك بن حرب عن جابر بن سمرة قال رأيت النبي متكئا على وسادة قال أبو عيسى لم يذكر وكيع على يساره وهكذا روي غير واحد عن إسرائيل نحو رواية وكيع ولا نعلم أحدا روى فيه على يساره إلا ما روي إسحاق بن منصور عن إسرائيل

Жобир ибн Самурадан ривоят қилинади у зот айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни болишга ёнбошлаб таянган ҳолларида кўрдим. Имом Термизий айтадиларки: Вакеъ чап тарафлар билан - деб зикр қилмаган, шунингдек кўпчилик Исроилдан Вакеънинг ривоятидек ривоят қилган, бунда чап тарафлари билан - деб бировни ривоят қилганини эшитмаганмиз, фақат Исҳоқ ибн Мансурнинг Исроилдан бўлган ривоятини биламиз холос.

## ( 23 ) باب ما جاء في اتكاء رسول الله وفيه ( 2 ) حديثان

**Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг биров билан қўлтиқлашганликлари ҳақидаги боб.**

135 – حدثنا عبد الله بن عبد الرحمن حدثنا عمرو بن عاصم حدثنا حماد بن سلمة عن حميد عن أنس رضي الله عنه أن النبي كان شاكيا فخرج يتوكأ على أسامة بن زيد وعليه ثوب قطري قد توشح به فصلى بهم

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни касал бўлиб, Усома ибн Зайд билан қўлтиқлашиб чиқдилар. Эгниларида қатарий, яъни Қатар диёрларидан келтирилган либос, уни елкаларига ташлаб олган эдилар, сўнг имом бўлиб намоз ўқиб бердилар.

136 – حدثنا عبد الله بن عبد الرحمن حدثنا محمد بن المبارك ثنا عطاء بن مسلم الخفاف الحلبي حدثنا جعفر بن برقان عن عطاء بن أبي رباح عن الفضل بن عباس قال دخلت على رسول الله في مرضه الذي توفي فيه وعلى رأسه عصاة صفراء فسلمت عليه فقال يا فضل قلت لبيك يا رسول الله قال اشدد بهذه العصاة رأسي قال ففعلت ثم قعد فوضع كفيه على منكبي ثم قام فدخل في المسجد وفي الحديث قصة

Фазл ибн Аббосдан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ўлим тўшагида ётган вақтлари, мен у зотни зиёрат этиш мақсадида олдиларига кирдим, ҳузурларида бир жамоат бор экан. Мен у зотга салом бердим, у киши эй! Фазл - дедилар. Мен лаббай! ё Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи

васаллам - дедим. Шунда у зот бу латта билан бошимни боғла - дедилар, мен боғладим, сўнг ўлтириб олдиларда, мени елкамга қўлларини қўйиб, ўрниларидан туриб, масжидга чиқиб кетдилар.

**Изоҳ:** *Ровий ҳадисда анчагина қисса бор эди - дейдилар, лекин бу ерда қисқартириб ривоят қилганлар.*

وآخر دعوانا أن الحمد لله رب العالمين